Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 13 ноябрь, жума № 224 (21. 322).

Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти Ислом Абдуғани ўғли КАРИМОВ жанобларига

Муҳтарам Ислом ака, Сизни яқинда Жиззах вилоятида Ўзбекистон жумҳуриятининг собиқ раҳбари ҳамда атоқли эл фарзанди ва адиби бўлган Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кечада сўзлаган нутқингизни барча қатори биз, Мовароуннаҳр мусулмонлари ҳам эшитдик. Айниқса, маърузангизда биз — имом-хатибларни тилга олиб, ҳозирги кунда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка ундаган сўзларингиз ҳаммамизни қувонтирди. Шу боисдан биз, Мовароуннаҳр мусулмонлари Уламолар кенгашининг олий ҳайъати аъзолари ва барча масжидлар имомлари, барча диний ходимлар Сизнинг чақириғингизга лаббай деб жавоб берамиз. Халқимиз бирдамлиги, тинчлик, осойишталик ва барча яхшиликлар йўлида қўлимиздан келган хизматларни сидқидилдан адо этишга тайёр эканлигимизни изҳор қилмоқчимиз. Барчамизни оллоҳ ўзи тўғри йўлга бошласин. Сизнинг олиб бораётган ишларингизда яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ОЛИЙ ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ ВА МАСЖИД ИМОМЛАРИ

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

12 ноябрь куни Исроил давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мей-Оми мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ўзбек ва яҳудий халқлари қадимий Осиёнинг маданиятидан баҳраманд бўлган миллатлар сифатида кўп асарлардан бери ўзаро алоқа қилиб келдилар. Исроил давлати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилиши мамлакатларимиз ўртасида маданий, илмий ва иқтисодий ҳамкорликка кенг йўл очади, деб ишонтирди.

Ислом Каримов мамлакатнинг сиёсий мавқеи унинг ҳудуди катта-кичиклиги билан белгиланмайди, деди. Исроил раҳбарияти Ўрта Осиё муаммоларини яхши тушунади, бинобарин, юксак илмий-иқтисодий имкониятларга эга бўлган Исроил давлати келажакда Ўзбекистон Республикасининг доимий ҳамкорига айланажак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

Ф. Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат.

ЗАФАРҚУЧГАН БУҲОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

ДЕҲҚОН МАТОНАТИ

Пахта тайёрлаш ва давлатга сотишда Қашқадарё вилояти районлари ўртасидаги беллашувда Косон карвонбошилик қилмоқда. Район хирмони 60 минг тоннадан ошиб кетди. Режадан знёд қариб ўн беш фоиз миқдорида пахта тайёрланди. Ана шу юксак хирмонга «Гулистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари 4 минг тоннага яқин «оқ олтин» билан муносиб ҳисса қўшдилар. Мухбиримиз М. КАРОМОВ қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб беришни жамоа хўжалиги раиси С. ҲУСАНОВдан илтимос қилди.

— Пахтачилик хўжалигимиз иқтисодиётида асосий ўринни эгаллайди, — дея гап бошлади раис. — Шунга кўра, ҳар бир пахтакор ҳеч қандай тарғибот ва ташвиқотсиз далада онгли равишда меҳнат қилди. Интизом ва уюшқоқлик ўз самарасини берди. Мавжуд 1050 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Режадаги 2 минг 900 тонналик хирмон муддатидан илгари яратилди.

Ҳозиргача давлатга топширган пахтамиз 4 минг тоннани ёки 130 фоизни ташкил этмоқда. Хўжалик бўйича ўртача пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 36 центнерга етказилди. Саломат Жумаева, Шавкат Ҳамроев, Ғани Эшпўлатов, Шарофат Бекмуродова бошлиқ бригадалар гектаридан 38-47 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдилар. Оилавий пудрат усулида ишлаган звенолар ўзига хос ғайрат кўрсатдилар. Жумладан, Шоим Ҳамроев, Гулчеҳра Жумаева, Усмон Жумаев, Барака Холманов раҳбарлик қилаётган звенолар гектар бошига 50-55 центнердан ҳосил олиб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Бу йил механизацияга кўпроқ таяндик. Режадаги 1750 тонна ўрнига 3036 тонна пахта машиналар кучи билан саранжомланди. Бу — ялпи хирмоннинг 82 фоизини ташкил этади. Механизатор ва теримчиларга қулай иш шароити яратилиб, уларга яхши ҳақ тўланди. Вақти-вақти билан ғолиблар рағбатлантириб борилди. Бу терим суръатини оширди. Норбой Жумаев, Суннат Ҳайдаров, Розиқ Бўронов, Расул Боймуродов, Усмон Ҳайдаров каби моҳир механизаторларнинг ҳар бири 133 тоннадан 218 тоннагача пахта тердилар.

Пахтазорга кўпминг килограммчи теримчилар ўзгача файз бағишладилар. Чеварлар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлди. Айниқса, Гўзал Шодмонова, Ойрушан Жабборова, Заргул Эркаева, Муаззам Эшназарова, Зулфия Соимова, Саодат Абдиева, Соҳиба Ашурова сингари бир-биридан чаққон теримчилар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Уларнинг ҳар бири этакда 6,5-7 тоннадан пахта териб хирмонга тўкди.

Ғалвир сувдан кўтарилаяпти. Деҳқонларимиз яратган хирмонларига яраша моддий манфаат кўрмоқдалар. Республикамиз Президенти томонидан пахта ҳарид нархи оширилганлиги айни муддао бўлди. Биз бу йил пахтачиликдан қўшимча 141 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз. Уни турмуш фаровонлигимизни яхшилашга сарфлаймиз.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Қашқадарё	**1,03**	**100,24**
Бухоро	**0,83**	**100,20**
Наманган	0,91	96,32
Фарғона	0,87	94,48
Андижон	0,89	93,92
Тошкент	1,21	86,06
Сурхондарё	1,01	85,99
Навоий	1,30	84,44
Хоразм	0,71	82,15
Сирдарё	1,55	81,37
Қорақалпоғистон Республикаси	1,00	78,41
Жиззах	1,68	77,21
Самарқанд	1,43	68,03
Республика бўйича	**1,09**	**87,78**
1991 йилдагиси	**0,00**	**0,00**

ПЕШҚАДАМЛАР

Районимиз пахтакорлари қатори жамоа хўжалигимиз деҳқонлари ҳам вилоят меҳнаткашлари эришган зафарга баракали ҳисса қўшдилар. Чунончи, мен меҳнат қиладиган Эргаш Бозоров бошлиқ бригада хўжаликда биринчи бўлиб ғалаба маррасига эришди.

Бу Ф. Бозоров, Ш. Шаропов сингари механизаторлар О. Орипова, Г. Шарипова, З. Бозорова, О. Ёдгорова, Н. Знёдуллаева, Л. Раҳимова каби дала меҳнатчилари ғайрати натижасидир. Улар терим мавсумида 160 тонналик хирмон яратишди.

Ҳали далаларда ҳосил бор. Ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказмоқчимиз.

Майсара ИСМАТОВА,
Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа хўжалиги 3-бригадаси аъзоси.

ҒАЛАБА КЕТИДАН ҒАЛАБА

Гап билгунча иш бил дейди донолар. Ишнинг кўзини билган пахтакорлар шовқин-суронсиз, бақириқ-чақириқсиз зафар қучишяпти. Олтинкўлликлар бу йилги мавсумнинг дарғаси бўлдилар. Улар Андижон вилоятидагина эмас, балки водийда биринчи бўлиб ғалаба манзилига етдилар.

Эл хирмонига 23 минг тоннадан кўпроқ пахта тўкдилар. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди.

Юздан ортиқ бригада, Шароф Рашидов номли, Навоий номли, «Коммуна», Сайфуддин Ашуров номли, «Ҳақиқат», Ленин номли жамоа хўжаликлари мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлаганига анча бўлди. Олтинкўлликлар яна 2 минг тонна пахта топширмоқчилар.

Терим пойгасида бўзликлар ҳам бўш келмадилар. Улар 24 минг тонна пахта тайёрлаб, вилоятда иккинчи бўлиб йиллик режани уддаладилар. Ҳар гектар ердан 27,5 центнердан хирмон кўтарилди. Бу муваффақиятга «Ўзбекистон», Навоий номли, «Гулистон», Улуғбек номли, «Озод», Юсуфжон Шодмонов номли жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бўзликлар ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Андижон райони пахтакорлари ҳам йиллик режани дўндириб қўйдилар. Шаҳрихонликлар, комсомолободликлар ҳам маррага яқинлашиб қолдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСИБ ҲИССА

Поп районида Наманган вилоятидаги энг катта пахта хирмони уюлди. Район пахтакорлари пахта учун курашда карвонбошилик қилмоқдалар: йиллик топшириқ бажарилди, хирмонга 47 минг тонна пахта тўкилди, жами хосилни 50 минг тоннага етказиш имконияти бор.

Поп райони пахтакорлари билан бир қаторда вилоятдаги олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқувчилари ҳам пахта йиғим-теримида фаол қатнашиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ишчи кучи кам бўлган хўжаликларда меҳнат қилдилар. Район механизаторлари эса 14,4 минг тонна пахта териб беришди.

Норин райони пахтакорлари терим техникасидан бошқаларга нисбатан яхшироқ фойдаландилар. Режалаштирилган ҳосилнинг 75 фоизи, яъни 26,1 минг тонна пахтани машиналар билан териб олдилар. Ҳар бир терим машинасининг иш унуми мавсумда 145 тоннага етди. Механизаторлар У. Камолов, Б. Умурзоқов, Ў. Қорабоев 160-170 тоннадан пахта тердилар.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон районлари ҳам йиллик топшириқни бажариш арафасида турибди.

(ЎзА мухбири).

ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

● Сирдарё районидаги «Шоликор» давлат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб шоли етиштириш ва давлатга сотиш режасини адо этди.

Ҳозирга қадар 11 минг 736 тонна шоли ўриб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 48,5 центнерга етказилди. Хўжаликнинг И. Ни, И. Боймишев, Н. Асанов, Б. Боймишевлар бош бўлган бригадаларида ҳосилдорлик юқори бўлди.

Хўжалик шоликорлари минг тонна сара уруғлик жамғариб қўйдилар, 600 тонна шоли эса меҳнаткашларга иш ҳақи ўрнида тарқатилди. Хўжалик меҳнат аҳли умумий хирмонни 12 минг тоннага етказиш учун ҳаракат қилмоқда.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП: одамлар орасида

ҚИЗИЛҚУМ САРҲАДЛАРИ БЎЙЛАБ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Навоий вилояти меҳнаткашлари билан учрашди.

Ташрифнинг дастлабки куниёқ М. Расулов аэропортдан тўғри Зарафшон шаҳрига йўл олди. Маълумки, бу шаҳар вилоят марказидан 200 километр узоқда бўлиб, бу ерда асосан саноатчи ва олтин сараловчилар ҳамда кончилар яшаб, меҳнат қиладилар. Саркотиб биринчи навбатда меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси, яшаш шароити билан қизиқди. Хусусан, Республика Президентининг Фармонлари жойларда қандай бажарилаётганига эътиборни қаратди.

Ана шундай учрашув шаҳардаги марказий кон бошқармасида ҳам бўлиб ўтди. Боиси, бу бошқарма шаҳар иқтисодиётининг таянчи бўлиб, мингга яқин олтинтопар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти ХДП аъзоларидир. Учрашув самимий ва таассуротларга бой бўлди.

Шу куни М. Расулов қоракўлчилар маскани Томдибулоқда ҳам бўлиб, чўпонлар ҳаёти ва ишлари билан танишди. Районда амалга оширилаётган қурилишлар, меҳнаткашларга кўрсатилаётган савдо, маданий ва майиший хизмат билан қизиқди. Зеро, саркотиб аҳоли ўртасида бу борада олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилмади. Боиси, савдо дўконларида кундалик харид моллари етишмас, пештахталар бўм-бўш, кўпчилик эса ун, ёғ, шакар билан таъминланмаган эди.

Ташрифнинг иккинчи куни М. Расулов Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Бу ердаги илғор технологик жараёнларни кўздан кечирди. Бирлашмада саломатлик учун зарарли цехлар ўрнига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил этилаётгани, нитрон толаси, тўқимабоп иплар, гиламлар, болалар кийим-кечаклари ва ҳар хил ювиш воситалари тайёрланаётгани унга маъқул келди.

— ХДПнинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги, одамлар қалбига йўл топаётганидан кўпчилик мамнун, — дейди бирлашма бош директори В. Крупин. — Шунинг учун ҳам бирлашмамизда ХДП аъзолари сафи кенгайиб бормоқда.

Учрашувда муҳандислардан Т. Саидов билан С. Хусейновлар ҳам сўзлаб, ХДП нуфузи хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

М. Расулов вилоят Кенгаши мажлислар залида ХДП шаҳар ва район Кенгашлари биринчи котиблари билан учрашиб, партия Дастурини амалга ошириш, молиявий аҳволни яхшилаш масалалари ҳақида суҳбат қурди. Бундан ташқари М. Расулов вилоят ҳокими А. А. Айдарқулов билан ҳам мулоқотда бўлди.

Ташриф ва учрашувлар давомида М. Расуловга ХДП вилоят Кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиев ҳамроҳлик қилди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистондаги энг катта корхоналардан бири — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз юбилейини нишонламоқда. 11 ноябрь куни тракторсозлар маданият саройида шу воқеага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Сўзга чиққан кишилар корхона тарихининг муҳим босқичлари тўғрисидаги хотираларини сўзладилар, жамоанинг истиқболлари, вазифалари тўғрисида гапирдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Р. Ражабов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

* * *

СУРАТЛАРДА: завод фахрийлари юбилейга келишди. Байрамга бағишлаб ташкил қилинган маҳсулотлар кўргазмаси.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Республикада ҳокимлик идора усулининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Чинакам мустақиллигимизнинг илк белгиларидан бири сифатида жорий этилган бу усул давр синовидан қандай ўтяпти! Бошқарувнинг миллий-тарихий анъаналари ва ўзга давлатларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини ўзида жамлаштирган ҳокимлик даврининг дастлабки сабоқлари нималардан далолат беради! Халқнинг тили учида турган бундай саволларга шу кунларда шаҳарлар ва туманларда ўтаётган халқ депутатлари шаҳарлар ва районлар кенгашлари сессияларида жавоб изланаётир. Фарғона вилоятининг Фарғона, Қўқон, Марғилон сингари йирик шаҳарлари ва қатор районларида шундай сессиялар бўлиб ўтди. Халқ депутатлари ўз ҳокимларининг дастлабки даврдаги фаолияти ҳақида ҳисоботларини тингладилар, қизғин мунозараларга бой ўтган сессиялар жараёнида депутатлар ҳокимлик бошқарувининг ижобий томонлари, бозор иқтисодиётига ўтишда унинг ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигини таъкидлаш билан бирга, бу борада йўл қўйилаётган хато ва нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бунга яққол мисол бўла олади. Кўҳна Қўқон чуқур тарихий-иқтисодий анъаналарга эга, аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллиги нисбатан баланд шаҳар. Кейинги икки-уч йил ичида Қўқон вилоятининг сиёсий жиҳатдан ўзига хос «қайноқ» нуқталаридан бирига айланиб қолгани сир эмас. Турли партия ва норасмий уюшмалар бу шаҳарда айниқса фаол иш олиб бордилар. Митинглар ва намойишлар, шаҳар Кенгаши идораси олдида бесаноқ очлик эълон қилишлар ҳеч кимни ажаблантирмай қўйганди. Сиёсий фаоллик замирида эса шаҳарда вужудга келган танг иқтисодий экологик вазият, халқ аҳволининг оғирлашуви ётарди. Ҳокимлик аҳволни ўнглаш учун зудлик билан чоралар кўрди. Шаҳар ҳокими Ҳ. Мавлонқулов ўзининг ҳисобот маърузасида кейинги тўққиз ойда Қўқон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш учун ўтказилган чора-тадбирларга батафсил тўхталди.

• ҲОКИМ ҲИСОБ БЕРАДИ

ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ ЕТАРЛИ, МАСЪУЛИЯТ ШУНГА ЯРАШАМИ?

Иқтисодиётдаги қийинчиликлар, хом ашё ва керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги узилишларга қарамай шаҳар саноатида 1 миллиард 27 миллион сўм ёки режадагидан 280 миллион сўм ортиқ соф фойда олинди. Олинган фойданинг асосий қисми ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини оширишга, бартер усули билан шаҳар аҳолисига четдан озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари келтиришга сарфланди. Тўқимачилик машинасозлиги, 2-пахта тозалаш заводлари, пойабзал ва тикувчилик фабрикалари, пайпоқ тўқув-ип йигирув бирлашмалари каби қатор корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажаряптилар. Бу албатта хўжалик юритишнинг янги, прогрессив шакллари тез ва соз ўзлаштириш туфайли амалга ошириляпти. Бунда ҳокимликнинг роли катта. Зеро, иқтисодий мустақиллик шароитларида корхоналарга эркинлик бериш билан бирга улар фаолиятини мавжуд қонун-қоидалар доирасида юритилишини назорат қилиш ҳокимликнинг вазифасидир.

Иқтисодиётни юксалтиришда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, кичик корхоналар, ширкатлар ва хусусий дўконларга кенг йўл бериш озмунча аҳамиятга эга эмас. Ўтган давр мобайнида ҳокимлик бу соҳада қандай ишларни амалга оширди? Маърузадан маълум бўлишича, шаҳардаги ширкатлар, кичик корхоналар ва дўконлар сони 450 дан ошиб кетган. Бир қарашда иш чакки эмасдай туюлади. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор: ташкил этилаётган кичик корхоналарнинг аксарияти воситачи ва маиший хизмат соҳасига тааллуқлидир. Ҳолбуки, товар қўлдан-қўлга ўтгани билан кўпаймайди, асосий вазифа уни кўплаб миқдорда ишлаб чиқаришдир. Афсуски, шаҳарда бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси қураман дея ҳаракат қилаётган ишбилармондан кўра олиб-сотар кўп.

— Шаҳарда рухсатсиз савдо билан шуғулланаётган, давлат рўйхатидан ўтмаган ва даромад солиғи тўламай юрганлар анчагина топилади, — деди ўз маърузасида Ҳ. Мавлонқулов. Дарҳақиқат Қўқон шаҳри бозоридаги сон-саноқсиз «дўкон»чаларни кўриб бу фикрнинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳоким депутатларга бу соҳада тартиб-интизом ўрнатилаётгани, рухсат этилмаган жойларда савдо-сотиқ билан шуғулланиш махсус фармойиш билан ман этилганлиги ҳақида ахборот берди.

— Бу ҳокимлик томонидан яхши ташаббус, — дея қайд этди сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Мухторов. — Биз ушбу тажрибани вилоятнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам татбиқ этиш чораларини кўрамиз.

Айни пайтда маърузада шаҳар саноат корхоналарининг аксариятида ишлар кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Масалан, автотранспорт соҳасида юк ташиш режалари 58,3 фоизга бажарилган, холос. Албатта, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар келтириш кескин камайиши, нарх-наволарнинг ошганлиги ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Аммо, аҳволни ўнглаш учун ҳокимлик нима иш қилди? Маърузачи ҳокимликнинг бу соҳадаги кундалик шуғулланишидан ташқари октябрь ойи ўрталарида бу масала ҳокимликда бўлган йиғилишда муҳокама этилганини айтди. Бироқ, ўша йиғилишдан сўнг қилинган амалий ишлар негадир тилга олинмади.

Ҳокимлик бошқарувини ташкил қилишдан кузатилган энг биринчи мақсад — халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг дардташвишларига шерик бўлиш, халқни тўлқинлантираётган муаммоларни тезроқ ҳал этишдир. Қўқон шаҳар ҳокимлигида мана шундай олижаноб вазифаларни адо этишга асосий бурч сифатида қаралмоқда. Яқинда шаҳарда бўлиб ўтган бир воқеа фикримизга исбот бўла олади. Шаҳардаги иқтисодий ночор оилалардан бирининг фарзанди — 7 яшар Рустамжон оғир юрак хасталигидан азоб чекарди. Боланинг ҳаётини Москвадаги машҳур клиникалардан бирида амалга ошириладиган мураккаб операциясигина сақлаб қолиши мумкин эди. Аммо, аллақачон тиббиётни ҳам бозорга айлантириб улгурган москвалик жарроҳлар, хизмат ҳақига жуда катта миқдорда пул сўрашди. Ноилож қолган онаизор шаҳар ҳокимлигига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳокимлик ўз фуқаросини ташлаб қўймади — ҳокимнинг корхона ва ташкилотларга қилган мурожаатидан сўнг зарур миқдордаги пул тўланиб, бола даволанишга юборилди.

Шаҳар ободончилиги, кўча ва ариқлар тозалигини таъминлаш борасида ҳам ҳокимлик жиддий ишлар қилмоқда. Махсус автобазанинг машина-трактор парки деярли яроқсиз аҳволга келган, бу эса кўча ва майдонларни ўз вақтида тозалашга халақит бераётганди. Ҳозирги иқтисодий оғир шароитларда ҳокимлик шу мақсад учун шаҳар бюджетидан маблағ топиб, автобазага 5 та автомашина 20 та ағдаргич, бошқа кўплаб воситалар топиб берганлигини фақат табриклашмоқ керак.

Бу йилги шароитларда қишга тайёргарлик ҳам осон кечмаяпти. Аммо, ҳокимликнинг кўпгина корхона ва ташкилотлар бошини қовуштириб, уларнинг жамланган маблағлари эвазига иссиқлик қувурлари, қозонхоналарни таъмирлашдаги тажрибаси диққатга сазовордир. Шаҳардаги мавжуд маданият ва истироҳат боғлари кейинги пайтларда афсуски, қаровсиз аҳволга тушиб қолган эди. Ҳокимлик аҳоли талабларини ҳисобга олиб ана шу ҳордиқ масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида махсус қарор қабул қилган. Тез олиш керак, ҳозирги шароитларда бу ўзгалар ҳам қабул қилса арзийдиган хайрли тажрибадир.

Халқ таълими, маданият соҳаларида ҳам ҳокимликнинг бажарадиган ишлари бисёр. Бу соҳаларда ўзига хос муаммолар кўпайиб бормоқда. Маблағ етишмаслиги туфайли янги мактаб ва боғчалар қурилиши тўхтаб қоляпти. Маърузада боғча-яслиларга бўлган эҳтиёжнинг 50 фоизга ортиб кетиши, айрим мактабларнинг уч сменада ўқитишга ўтиб қолиш хавфи борлиги айтилди. Афсуски, келажак тараққиётимизнинг белгиловчи омили бўлган халқ таълими соҳасини шаҳарда янги босқичга кўтариш борасида ҳокимликнинг узоқни кўзлаб белгиланган чора-тадбирлари маърузада тўла очиб берилди деб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни минг афсуски жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг ўсиб бориши билан ҳам боғланиб кетяпти. Шу йилнинг 9 ойи давомида шаҳардаги умумий жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан 21 фоизга кўпайган. Жиноятларнинг фақатгина 61,1 фоизи очилган, холос. Қасддан оғир тан жароҳати етказиш, давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш ҳам кўпайиб кетяпти. Корхона ва ташкилотларда ташмачиликка барҳам берилмаяпти. Шу йилнинг ўзида 400 киши мана шундай номақбул иш устида қўлга тушган. Бу албатта ҳуқуқ тартибот идоралари ишини жиддий қайта қуриш кераклигидан далолат беради. Маърузачи шаҳарда жиноятчиликка қарши кураш ички ишлар бўлими ходимларининг етарли эмаслиги ҳақида тўхталди.

Ҳокимнинг ҳисобот маърузасида шаҳар ҳаётининг барча соҳаларидаги аҳвол, батафсил ёритиб берилган. Қилиниши лозим бўлган ишларнинг режалари ҳам белгиланган. Аммо маърузани тинглар экансан, беихтиёр бир фикр кўнглингдан ўтади: ҳокимлик бошқарувнинг янги усули. Хўш, аввалги партия комитетининг биринчи котиби ёки шаҳар Кенгашининг раиси иш усули билан ҳокимнинг иш усули ўртасида қандай фарқ бор? Жорий этилган янги лавозимда ишлашнинг ўзига хос томонлари нимада бўлди? Худди шу соҳада қандай муаммолар пайдо бўлди-ю, қандай тажрибалар тўпланди? Бироқ менимча, маърузада ҳоким фаолиятининг мана шу томонлари етарлича ёритилмаган. Ҳолбуки, ҳокимнинг дастлабки иш фаолияти юзасидан ҳисоботида мана шу нуқталарга ҳам тўхталмоқ лозим эди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов маъруза ва сессиянинг бориши хусусида тўхталиб, ҳақли равишда маърузада ва нотиқларнинг чиқишларида ҳоким фаолиятига танқидий баҳо беришнинг етишмаслигини таъкидлади.

Ҳоким фаолиятини ошкора муҳокама этиш ишларимизнинг ривожига хизмат қилади, бошқарувнинг янгича усулини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, — деди у ҳокимлик бошқарувининг ўзига хос томонлари, унинг дастлабки сабоқлари хусусида батафсил тўхталиб. — Ҳолбуки шаҳарда жиноятчилик ўсиб бормоқда. Кадрларни танлаш соҳасида қатор жиддий нуқсонлар мавжуд. Ўқитувчиларнинг яшаб турган уйларини хусусийлаштириш жараёни жуда секин кечаётир. Ҳокимлик ўзининг келгуси фаолиятида мана шундай нуқталарга эътиборни кучайтириши лозим.

Сессия ишида вилоят ҳокими М. И. Исломов қатнашди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

ХДП Чортоқ район Кенгаши йил мобайнида ўсиб, мустаҳкамланди, ибратли ишларни амалга оширди. Аввалига партия ташкилотлари пилла етиштириш соҳасини оталиққа олишди. Натижаси ёмон бўлмади. Пилладан ҳар йилгидан кўп ҳосил етиштирилди. Ҳозир хўжалик партия ташкилотлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун курашмоқдалар.

Райондаги бирор муаммо ХДП район Кенгаши эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Уларни ҳал қилишда шаҳар ва район ҳокимлиги билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Муайян масалалар юзасидан район Кенгаши бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишида ХДП аъзоси бўлган раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланмоқда. Чунончи, район Кенгаши бюросида «Доғистон» қишлоқ кенгаши раиси Қ. Эралиевнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб бораётган фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланиб, таҳлил қилинди ва жиддий эътирозлар билдирилди.

Ахборотларни тўплаб, таҳлил қилиш, ижтимоий тадқиқотлар ўтказишга ҳам эътибор берилмоқда. Жумладан, Гулшан қишлоқ кенгашининг раиси А. Қорабоевни аҳолининг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш ҳамда «Гулшан» санаторийси бош шифокори А. Абдурасуловнинг иш фаолиятини ўрганиш бўйича аҳоли ўртасида анкета сўровлари ўтказилди. Олинган жавобларга кўра одамларнинг 57 фоизи А. Қорабоев муаммоларга нисбатан эътиборсизлиги, 25 фоизи эса мурожаатларни ҳал этмаганлигига эътироз билдиришди. Одамларнинг 30—35 фоизи ҳар иккала раҳбарнинг фаолиятини қониқарсиз, деб баҳоладилар. Район партия Кенгаши бу таҳлиллар якунидан келиб чиқиб, ўз таклифларини шаҳар ва район ҳокимлигига тақдим этди. Ҳокимлик бу таклифларга мувофиқ чора кўрди. Гулшан қишлоқ кенгаши раиси А. Қорабоев ва «Гулшан» санаторийси бош шифокори А. Абдурасулов ўз лавозимларидан бўшатилди.

— Биз район ва шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб боряпмиз, — дейди ХДП район Кенгаши иккинчи котиби А. Раҳматов. — Партия аъзолари бўлган маҳаллий раҳбарлардан тортиб ҳокимларгача бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Буни янги партия билетларини топширишни вилоятда биринчи бўлиб якунлаганимиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Партиямиз нуфузини ошириш йўлидаги сиёсатимиз тўғри ва халқчил эканлигини амалда исботлаш учун партия аъзолари бўлган халқ ноиблари кучидан фойдаланишга эътибор беряпмиз. Айни пайтда барча халқ ноиблари 11 партия гуруҳига бирлашган. ХДП аъзоларининг сони 2175 нафарга етди. Улар 71 та бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган.

Ўтган давр мобайнида ХДП район Кенгаши бюро аъзолари — район ёшлар уюшмаси биринчи котиби И. Шарипов билан Коросқондаги механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Т. Абдуллаев район ҳокими муовинлари этиб тасдиқландилар.

Йил бошида 5—6 та бошланғич партия ташкилотларида аъзолик бадалларини бухгалтерия орқали тўлаш синаб кўрилганди. У амалда ўзини оқлади. Ҳозир 22 та партия ташкилотида аъзолик бадаллари шу усулда тўланмоқда ва буни қолган жойларда ҳам жорий этиш кўзда тутиляпти. Бир сўз билан айтганда ХДП Чортоқ район Кенгаши районда ўз ўрни ва мавқеига эга, эл назарига тушмоқда. Зеро, излаган имкон топади, деб бежиз айтишмаган.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Тежалгани—нақд бойлик

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Пахтанинг пишганини териш узоқ давом этмайди. Фарғона пахта тозалаш заводи буни ўз тажрибасидан яхши билади. Шунга кўра, бу йил «оқ олтин» терими қизғин бошланган паллада шошиб қолмаслик чораси топилди.

— Гап шундаки, — дея таъкидлайди завод директори Ўринбосари Ғуломжон Мамажонов, — айни терим авж олганда заводда тозалаш машиналари арралари етишмаслиги кўп панд беради. Биз бу аҳволни таҳлил этиб, ижобий ҳал этдик.

Дарҳақиқат, ҳар йили завод 60 минута тозалаш арраси ишлатади. Табиийки, бунга янги аррани топиш, ўз вақтида етказиб келиш, унга аллақанча маблағ сарфлаш, ортиқча машаққат тортиради. Шуларни ҳисобга олиб, заводда эски арраларни таъмирлаш, синган тишларини тиклашга қарор қилинди.

Илгари тозалаш аппаратининг эскирган, ишдан чиққан арралари ташлаб юборилади. Энди эса арраларнинг синган тишлари ўрнига қайта тиш очиб, ишлаш муддатини ўтаган тозалаш арралари тиклانмоқда. Шу тариқа тозалаш арраларидан фойдаланиш муддати узаймоқда, анчагина маблағ тежалмоқда.

Бугина эмас. Қайта таъмирланган аррадан ўтган тола сифати юқори бўлиб, чигитда қоладиган момиқ кескин камайди. Энди пахта обдон тозаланиб, тола олиш ҳажми ҳам ортди.

Т. ҲАМИДОВ,
Фарғона шаҳри.

Шарофнома

ЁШЛАРГА ИШОНАР ЭДИ

ШАРОФ Рашидов ҳавас қилгудек катта қалб эгаси эди. Биз энергетиклар бунга бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

Бизнинг станциямиз пойдеворига 1961 йили Шароф ота биринчи ғиштни қўйиб берганда у кишининг шахсига меҳримиз товланганди. У кишидаги табиий камтарлик, ишчилар синфининг ёш авлодига ғамхўрлик кўрсатиш намунаси биз учун ҳаётий сабоқ бўлганига оид мисоллар оз эмас.

1963 йили ГРЭСимиз тарихида ўчмас из қолдирган воқеа юз берди: 23 декабрь куни станциянинг дастлабки энергетика блоки ишга туширилди. Шу муносабат билан катта митинг бўлди. Шароф Рашидов митингни оча туриб, Тошкент ГРЭСининг Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиётида тутадиган ўрни ҳақида гапирди, бир гуруҳ бунёдкорларга ҳукумат мукофотларини топширди. Мукофотланганлар орасида мен каби ёш қурувчилар ҳам анчагина эди.

Ўша митингдан олган таассуротларим ҳамон ёдимда: Шароф Рашидов табиатан вазмин ва мулоҳазали, зийрак ва синчков, мушоҳадаси кенг, ёш ишчилар ҳаётига қизиқувчи киши эди.

Бу мўътабар инсон билан бўлиб ўтган яна бир учрашув хотирамда сақланиб қолган.

...1976 йили партия XXV съездига делегат қилиб сайландим. Жумҳуриятимиз вилоятларидан сайланган ёш делегатларни ота қабулхонасига чақириб суҳбатлашди. Катта давлат арбоби билан бўладиган учрашув олдидан кишида ҳаяжонланиш пайдо бўлиши табиий. Лекин у киши бизнинг ҳаяжонланаётганимизни сездими ёки одатлари шундайми, бизларга: «Болаларим, қизларим», деб мурожаат қилдилар.

— Ўзбекистоннинг навқирон ва кўркам йигит-қизлари бўлган сизлар Москвага кетяпсизлар. Сизларга нима керак бўлса, барчасини муҳайё қилиб берамиз, — деб кўнглимизни кўтардилар.

Съезд кетаётган кунларнинг бирида, беш-олти киши (орамизда аёллар ҳам бор эди) танаффус пайтида ҳайрон бўлиб турганимизда Шароф ота ҳузуримизга келдилар. Ўзбекистон билан Россиянинг миллий таомлари орасидаги фарқ хусусида мулоҳаза қилаётганимизни айтгандик, у киши самимий оҳангда: «Кўнгилларинг тортмаган нарсани еманглар. Сўранглар, олиб келиб беришади», дедилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Шароф ота станциямиз истиқболи, унинг тўла қувват билан ишга тушишини тезлаштиришга астойдил ҳаракат қилдилар. Айниқса, ёш мутахассислар, малакали ишчиларга ҳар томонлама мадад берар, уларга қаттиқ ишонар эдилар.

Йўлдош МУСЛИМОВ,
Тошкент ГРЭСи катта машинисти, Меҳнат Қаҳрамони.

Жиззахдаги Шароф Рашидов уй-музейида унинг ҳаёти ҳамда серқирра фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп материаллар ўрин олган. Ш. Рашидовнинг 75 йиллиги нишонланган кунлари очилган бу музейдан зиёратчиларнинг қадами аримайди.

СУРАТЛАРДА: уй-музейнинг ташқи кўриниши; музей залларидан бирида.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ПОРЛОҚ НОМИ УНУТИЛМАЙДИ

Шароф Рашидович Рашидов ҳақида матбуот материалларини қизиқиб ўқимоқдаман. Мен бир неча йил унинг оиласига шафёр сифатида хизмат қилган эдим. Кўп кишилар уни ғамхўр, атрофдагиларга нисбатан эътиборли ва эъзозли киши бўлганини гапиришмоқда. Мен эса шуни қўшимча қилишим мумкинки, Шароф Рашидов ҳамма билан шундай тенг муносабатда бўлар эди, одамларни мавқеларига қараб ажратмас эди. Узоқдан назари тушиб қолса, ўзи яқинлашиб қўл бериб салом-алик қилар, бола-чақани суриштирар эди. Унинг оддийлиги, табиийлиги, ўта зиёлилик ва одамийлигидан нишонадир. Бирон илтимос билан келган одамни эътибор билан тинглар, яхши маслаҳат билан амалий ёрдам кўрсатар эди. У ҳар доим саранжом-саришта кийинар, феъл-атвори босиқ киши бўлиб оҳиста ўйлаб сўзлар эди. Мен бирон марта ҳам ёнидагилар олдида ўзининг устунлигини кўрсатганлигини пайқамаганман.

Ўз пайтида тўхматчилар унга шов-шувлар, ҳашамларни, хўжакўрсин тадбирлар ҳаваскори деб айб қўйишган. Менинг ёши улуғ дўстларим шоферлар ҳали ҳануз Шароф Рашидович бутунлай бошқача раҳбар бўлганини эслашади. У ҳаддан ташқари сертавозе бўлишларини ёқтирмасди. Йўлни олдиндан беркитиб қўйган давлат автоназорати ходимларига танбеҳ берган. У танбеҳ беришда ҳам ҳеч қачон кишиларнинг шахсиятини пастга урмасдан майин овозда гапирган.

Бирон-бир меҳмон билан ҳукумат чорбоғига яқинлашганда соқчилар зобити: мана Ш. Р. Рашидов дачасига келдик деб қоларди. Шароф Рашидович бундай ҳолларда зобитнинг сўзларини тўғрилаб қўярди: Чорбоғ Рашидовники эмас, у Марказқўмнинг биринчи котибиники. Рашидовга шу лавозим ишонилган экан, шу чорбоққа келади. Ҳаммага маълумки, унинг на шахсий чорбоғи, на ўз уйи бўлган. Оиласи билан оддий кўпқаватли уйдаги хонадонда истиқомат қилган.

Дарвоқе, оиласи тўғрисида Мен Ш. Р. Рашидов оиласини яхши билардим. Хизмат тақозосига кўра унинг фарзандлари, рафиқаси Хурсан Ғафуровна билан мулоқотда бўлганман. Хурсан опа ўта эътиборли, тадбиркор, худди ўз онамиздек меҳрибон аёлдир. Уларнинг тўрт қизи ва бир ўғли, бошқа айрим юқори мартабали раҳбарларнинг фарзандларидан айрича, яхши тарбия кўрган, жуда камтар болалар эди. Улар ҳеч қачон бировларга нисбатан ёмонлик қилганини эшитганим йўқ. Ҳамиша ҳамма билан, жумладан мен билан ҳам одоб билан муомалада бўлишган.

Мен Шароф Рашидовичнинг порлоқ номи тикланиб халққа қайтарилганидан жуда мамнунман. Ёш авлод унинг тўғрисидаги бор ҳақиқатни ортиқча бўёқ ва қоралашларсиз билишлари лозим. Вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди. Доно халқ айтганидек, олтин зангламайди, яхши ном унутилмайди.

В. ОВТИН.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ИНСОНПАРВАР ДЕМОКРАТИЯ САРИ

Мазкур Конституция муқаддимасида таъкидланганидек, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Назаримда, лойиҳани ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи аъзолари, дунёдаги қатор ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Франция, Швейцария ва Шарқ мамлакатлари Конституцияларини атрофлича ўрганиб чиқиб, барчасидаги энг илғор фикрларни у ёки бу шаклда Конституция лойиҳасига киритганлар. Шу тариқа мустақил Ўзбекистон давлати ва халқининг туб манфаатлари имкони борича қамраб олинишига, ҳуқуқий демократик давлатнинг жаҳон халқлари олдидаги маънавий-сиёсий қиёфасини яққолроқ кўрсатиш учун ҳаракат қилинган. Мен ҳам мустақил давлатимизнинг бош қонуни бўлган Конституция лойиҳаси тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириб, баъзи бир ўзгаришлар киритиш лозим деб ўйлайман.

Жумладан, **4-модда** «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили бўлиб, барча иш юритиш қоғозлари ўзбек тилида олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларнинг тиллари ва урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди, уларга давлат тили —ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиб беради», деб ўзгартирилса, мантиқан тўғри бўлади. Чунки бу асосий қонун— давлат тили мақомини олган ўзбек тилининг кўзгуси бўлиши керак. Бундан ташқари бу моддага «Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатлар билан иқтисодий-техникавий ва маданий соҳада алоқаларни кенг йўлга қўйиш учун чет тилларни ўрганиш бўйича барча шароитларни яратиб беради» деган қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир.

7-модда «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир таянчидир» деб ўзгартириш лозим. Чунки ҳеч қачон халқ давлат ҳокимиятининг манбаи бўлмайди, бу мантиқан нотўғри тушунчадир.

8-моддани «Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча халқлар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади», деган маъқулроқдир. Миллатни кўрсатишга ҳожат йўқ.

12-моддадаги «Ҳар қайси мафкура, дин расмий давлат мафкураси, дини сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деган фикрни ойдинлаштириш керак. Чунки фикрлар анча мавҳум тарзда баён этилган.

22-модда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида яшаётган ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга кафолат беради», деб тузатилса тушунарлироқ бўлади.

40-моддани «Давлат мактабдаги таълим-тарбия жараёнини замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғунлаштиради, бунинг учун эса илм-фан ва техника ривожига ҳар томонлама ғамхўрлик қилади» деб ўзгартириш керак. Чунки мактабнинг келажагини илм-фан ютуқларисиз, олимларнинг кашфиётларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта.

Менимча, **80-модда**даги «қарорлар ва бошқа ҳужжатлар» ҳамда «ва бошқа норматив ҳужжатлар» деган иборалар ортиқчадир.

114-моддага «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, Қорақалпоғистонда қорақалпоқ тилида олиб борилади» деган қўшимча киритиш лозим.

С. ҲУСАИНОВ,
Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти декани, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасидаги барча моддаларга тўла қўшилган ҳолда таклиф ва истакларимни ҳам баён қилмоқчиман.

90-моддадаги «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради» деган қоида умуман мантиққа тўғри келмайди. Ахир, президентликка номзод шу партиянинг ҳаракат дастурини амалга оширишга сўз беради, халқни ишонтиради. Бу партия унинг сайловда ғолиб чиқиши учун курашади.

111-моддада «Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари... мумкин эмас», дейилган. Бундан келиб чиқадики, ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган одам умри бўйи бирор партия ёки ҳаракатга қўшила олмайди. Ахир кун келиб у судья бўлиб сайланиши мумкин-ку. Бу ҳам кўпчилик фуқароларнинг ҳуқуқини чеклаш эмасми?

Холмурод ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Боғот район Кенгаши тарғиботчиси.

ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА

Ўзбекистон кузи ҳар гал мен учун беқиёс бир мўъжиза бўлиб туюлади. Бу туйғун ранглар, бу улуғ ҳаракат, долға, куюнчаклик, чамаси, бу фаслда бошқа бирон бир ўлкада кўринмайди.

Куз жамийки эзгу туйғуларни ялангланган сершох дарахтдек очади, бўрттиради, шунинг билан бирга, асраш, ҳимоялашга чорлайди.

Шундай ўйчан, ширин дамларда «Ўзбекистон овози» газетининг бадиий маданиятимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлган эъзозли Саҳифасида қатнашаётганмидан мамнунман. Менгача иштирок этган ҳамқалам дўстларимнинг асарларини ўқиб боряпман. Мулоқотнинг бу ёрқин шакли ижодкорлар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам яхши имконият деб ўйлайман. Қолаверса, бу саҳифа қалам соҳиблари учун ўзига хос бир ижодий мусобақа майдони, фикрлар камалагидир.

Қуйидаги шеърларнинг айримлари «Чўлпон» нашриётида тайёрланган «Қуш йўли» китобимга кирган. Уларни муҳтарам ўқувчига ҳавола этарканман, яна ўз севган мавзуларимга содиқ қолдим. Нур, Соғинч, Муҳаббат, Ҳайрат, Садоқат...

Хориждаги ўзбеклар

Хориждаги ўзбекларим,
Ўлмай қолган ўзликларим,
Қани энди юртга келинг,
Ўз хонларим, ўзбекларим.

Юртга келинг, юртга келинг,
Ичга келинг, сиртга келинг,
Майли чилвир сочга келинг,
Ё бурама муртга келинг.

Хориждаги ўзбекларим,
Сизга йўқдир ҳеч кекларим,
Келиб уйимни тўлдиринг,
Қувғинда юрган эрларим!

Кўчаларни гув тўлдиринг,
Гулларин ҳидлаб сўлдиринг,
Хориждаги ўзбекларим,
Худди ўзимиздекларим.

Ғамларимни баёз тортди,
Деманг ким кўп, ким оз тортди!!
Денгизларнинг оғир юкин
Дур излаган ғаввос тортди.

Ой чиққани ростдир бу кун,
Кун туққани ростдир бу кун,
Қора кўзлар ёши тиниб,
Ғанимлар ер ости бу кун.

Келинг, танда бу жон бирдир,
Умид бирдир, имон бирдир,
Ўзбекистон бўлинмайдир,
Она Ўзбекистон бирдир!

Хориждаги ўзбекларим,
Худди ўзимиздекларим,
Қани энди юртга келинг,
Ўз хонларим, ўз бекларим.

1.

БУГУН ОСМОН ТЕРАН ВА СОФ

Кузда мен ҳар ҳолда табиатда ҳам
Бир тинчлик борини сезаман осуд.
Жилға тинч узалар, тепа олар дам,
Ечиб қуйилгандай қилич ва совут.

Қани ул баҳодир, наҳот жанг тинган?!
Анҳор узра кўприк кенг нафас олар.
Фақат қайрилишда, ўзни тутолмай,
Мавжлар бир-бирини шапатлаб қолар.

Ҳу узун қирларнинг сўнгига боқсанг,
Хотирадай хира кўринар тоғлар.
Фасл тугаб борар. Ё балки аср.
Мезонлар бўшлиқдан бир видо хоҳлар.

Гап ҳув ботаётган қуёшда эмас,
Бутун сир ва жумбоқ кузнинг ўзида.
Гоҳ у бир-икки ҳўл булутни ушлаб
Савалаб қоладн юзи-кўзига.

Бир тўрва олмани уйга элтгувчи
Деҳқон қиз ўйламас олди-сотдини.
У тезроқ ва тезроқ уйига кириб,
Тўлдиргиси келар кўзгу сатҳини.

Ундаги босиқлик, ҳаё олмаси
Кузакнинг кимига балки қариндош.
Ўз қизлик режаси билан ишлайди
Унинг қалбидаги бокира қуёш.

Куз. Тунни кутмаймиз. Лекин уфқлар
Ғалаён қопқоғин ковшарлар алвон.
Энди тунги бозор уйғона бошлар,
Сомон йўли бўйлаб келар юз карвон.

Юлдузлар, заргардан янги чиққандай,
Само растасида ёрқин ёйғлиқ.
Бу ҳафта безовта юрди андак ой,
Кемтиклигин ўйлаб юраги доғлиқ.

Куз. Тунни кутмаймиз. У ўзи келар,
Бир не олиб келар башар тинчига.
Тун, қора турнадек, жўжаларини
Титроқ парларининг олар пинжига.

Куз. Тунни кутмаймиз. Чунки осмон
Бугун теран ва соф. Бугун мукаммал.
Тақдир, эҳтиросли умр ишларин
Доим шундай қўлла! Ва, шундай эт ҳал!

НУР ҚИССАСИ

Уни севиб қолганман мен жуда ёшлик чоғимда,
Ҳозиргача у жон дўстим, ҳозиргача ёнма-ён.
Эркаланиб бошим узра жой тутар у гоҳида,
Юрагимга кириб олиб гоҳи солар ғалаён.

Гоҳ у олтин ханжар каби тикка тушади ерга,
Гоҳ жим кириб деразамдан, ёстиғимни сийпалар.
Гоҳо оппоқ, ёруғ саҳна, неча-неча тақдирга
Мўъжизалар ваъда этиб, унсиз сирли куй чалар.

Бир пайт бирам тантиқ, гўё ширинликка ўч бола,
Турфа рангга ийлаб ўзин, сочилади минг алвон.
Тортиғидан бебаҳр қолмас чаман, гулда ҳар тола,
Капалаклар қанотларин бўяб чиқар у шодон.

Гоҳ у нечоғ салобатли! Тонг маҳали кўрганман,
Чўққиларнинг зирҳларини эговлайди ёндириб.
Сўнг Аму ва Сир устига ёйилади дафъатан,
Тўлқинларни ёруғликка, саховатга қондириб.

Олис фазо тубидан у гоҳо ёриб чиқади,
Гўё Аршнинг оқ мактубин элтган Самовий элчи.
Гоҳо шамга қўниб, тунни бурчакларга тиқади,
Қора қалам остида у — ҳам тарихчи, ҳам тилчи.

Ёлғизлатиб қўймас лекин одамни у ҳеч қачон,
Гоҳ қуёшдан қараса, гоҳ ойдан йўллар оқ аксин.
Уни шимол осмонида кузатганман не замон,
Узун қутб кечасига чизганида тонг расмин.

Баҳор чоғи қалдироқлар ваҳм юриш қилганда,
Қўшилишиб кетганида замин, замон ва фалак,
Келгинди ва каж булутлар қақшаб хуруж қилганда,
Ер кемасин елкан бўлиб юргизган шу — камалак!

Тушларимга киради у, кифтимга пар улайди,
Идрокимда ўн саккиз минг олам бўлади пайдо.
Гоҳ бошқалар юрагидан туриб мени имлайди,
Тушунуксиз сувратларда тилга киради гоҳо.

У асилми? Бизгача ё етганми синиб, синиб?!
Йўқ, йўқ, у ҳеч узилмасдир! У — бутуннинг давоми!
Майли, бизга келган бўлсин, ўз чин юлдузи сўниб,
Кўп улуғдир ҳаёт учун ҳар лаҳзалик инъоми.

Мўъжизакор не нурдир бу? Не бу илоҳий хабар?!
Вақтдек, ногоҳ ўчиб баъзан бар туттирмай кетади...
Уни таниб улгурганим, суйганим — қутлуғ самар,
Умримнинг шу қисмини ҳам умрим десам етади!

2.

ИЛОҲИЙЛИК ХУСУСИНДА

Менга тақдир бўлди бир суҳбат илоҳийдин,
Муножот бандадандир, рағбат илоҳийдин.

Бул омонат жон ўзи олий мукофотдир,
Не яна келмиш менга навбат илоҳийдин.

Дилда суврат акс этиб, дийдорталаб бўлдим,
Не наво бу, не чирой, ҳайрат илоҳийдин.

Бир кўнгилни овламоқ андоқ мўъжизаким,
Етти иқлим сайрига рухсат илоҳийдин.

Бул на ўткир игнадир, боғланди турфа ип,
Кийди сўз жондин либос, хилъат илоҳийдин.

Умри гулдан қисқадир, капалак гул севди,
Гар қанот қоққунчалик фурсат илоҳийдин.

Кўксингизда навбаҳор сеҳрин асранг, ёшлар,
Чунки огоҳ фасли бу, муҳлат илоҳийдин.

Зулф ол юзни тўсиб беркитди дўзахни:
Номусу, иффат, ҳаё, жаннат илоҳийдин.

Менда оз деб, унда кўп, кўзларда кир йиғманг,
Асли ганж, имон эрур, нусрат илоҳийдин.

Нафси устун кимсадин тоғ ҳам йироқ тушар,
Чунки инсонга шараф, маснад илоҳийдин.

Толиб этди кўп йиғиб бехосиятларни,
Ул муаллим, дўзахийдир, лаънат илоҳийдин.

Бериёлар давраси фитна фасод эрур,
Бошлариға ўч ёғур албат илоҳийдин.

Икки олам ташвиши юк бўлса, ғам чекма,
Қаҳрни енгсанг, келур шафқат илоҳийдин.

Ҳақ эсанг эл олдида, ҳақ олдида ростсан,
Эл кўзи бирлан боқур қисмат илоҳийдин.

Шоҳи одилни азал куйлайди аҳли шеър,
Тожни тоне кийдирур, давлат илоҳийдин.

Шоҳга фарзанддек турур турфа маслакли эл,
Барчасин тенг тутгали санъат илоҳийдин.

Тўқсон икки бовли юрт, тўнларни фарқ этманг,
Чунки миллат биттадир, миллат илоҳийдин.

Балқди олам тоқида байроқ яловимиз,
Эрк деганлар олди эрк албат илоҳийдин.

Кўнгли оқ халқим учун Макка эшик очди,
Келди истиқлол куни раҳмат илоҳийдин.

Ўттиз икки қуш, Омон, елкангда исёндир,
Асрадинг ўзлукни сен, рағбат илоҳийдин.

3.

ҚИСҚА МУЛОҚОТЛАР

Бу ғурбат даштидан нечук ўтдим мен,
Кимларга ишониб жадал этдим мен?!
Изимга қарасам, жилмайиб турган
Ишқ билан Имонни идрок этдим мен.

* * *

Кўкдан ерга бир не туташ кўринар,
Умр — ўз бурчингни ўташ кўринар.
«Авлодлар алмашар!» деган гап бекор,
Бу — ҳар кимни бир-бир синаш кўринар.

* * *

Ўзни чаманларга ураркан одам
Саҳролар ҳавасин қилар камдан-кам.
Кўрдим, Қизилқумда сипанд гул очмиш,
Нодир уруғлари панжасида жам.

* * *

Сув ҳам одамлардек яшаб, ўлади.
Руҳи булут бўлиб кўкда елади.
Елкасидан охир жой бергач тоғлар,
Оқланиб-покланиб қайтиб келади.

* * *

Бу не чиркин ғурур, тийиқсиз ҳаво,
Бурнингнинг учига илинмас дунё!
Шошма, неччи пулсан, билиниб қолар
Нариги паллага тош тушган асно!

* * *

Ўзга сайёрада бир шоир гўдак
Бешигин мақтарди тўқиб куй-эртак.
Наҳотки шу қадар қўмсар, соғинар
Қўл-оёғи боғлиқ пайтларни, тентак!

* * *

Ўзга сайёрада кўрдим бир қаср,
Говжум бозор ичра шиша уй, на сир?!
Атроф олди-сотди, беғам алало,
Оқиллар — иш ичра, оқиллар — асир.

* * *

Бемаза бир қавм пайимда доим,
Шунча вақт беҳуда излар гунойим.
Мен — майли, бошқалар тинч юрсин энди,
Буларга бўлак иш кўрсат, худойим.

* * *

Бирин қўлида тиғ, бирида темир,
Бири хон дер ўзни, бириси амир.
Икки тўп уришар. Қизиқ, бормикан
Буларда урушдан кейинги умр?!

* * *

Қуёш ботган сайин узайди соя,
Абадий зулматга кўмилди қоя.
Ернинг нурга бўлган буюк соғинчи
Тоғларни юксалтиб турибди ғоят.

* * *

Ҳажрингда ой каби йироққа ботдим,
Қора ғамим билан чироққа ботдим.
Йиғидан кўзларим булоғи қуриб,
Фарҳод тешасидек мен тоққа ботдим.

* * *

Ойдин тун. Яхмалак. Дала-туз эди.
Тўлин ой булоғи яхлит муз эди.
Осмон шишасига тирик нақш солган
Сен менга айтган бир илиқ сўз эди...

* * *

Чумоли юрти бул, кўзлари катта,
Ҳар бир дон ҳисобида, ҳар қатра хатда.
Ошхўрлар юртидан бир меҳмон келса,
Сўзсиз, очдан ўлар бу мамлакатда.

* * *

Кўчат ойлигига ҳар он айтасиз,
Пахта байрамига чунон айтасиз.
Майли, ачиб-бурчиб қолган бўлса ҳам
Узумнинг тўйига қачон айтасиз?!

* * *

Қай куни синчиклаб боқдим бир қушга:
Нафси деб тутилди олакўз Мошга!
Минг шукр, худойим, қорин бермабсан
Мендаги қанотли хаёлга-хушга!

* * *

Иккига бўлинди бир гуруҳ ўртоқ,
Интилиш озайди-торайди сўқмоқ.
Бир ялов остида эдилар, энди
Чити мунда қолди, мунида — таёқ.

* * *

Юмалоқ осмондан айтсам каломни,
Ҳар кимга хос қилиб азиз бир номни,
Бизни ким кузатар гир айлантириб,
Шундоқ устимизга тўнкариб жомни?!

* * *

Бул ўт ўзи шиша ичинда маҳкум,
Ўзни ўтга урмоқ не сирли таълим?!
Нурсиз гўшаларда бу парвоналар
Жон фидо қилурлар кимга, номаълум?!

* * *

Ўт билан синади кўп худовандим,
Сувдан ҳам ўткарди бардошу бандим.
Ишқ учун ҳозирлик экан барчаси,
Ишқ келди, ҳам тўлқин урдим, ҳам ёндим!

* * *

Садоқат илмига толиб бўламан,
Мен вафо кўргузиб ғолиб бўламан.
Қонимни бузса ҳам минг бир хиёнат,
Яна ўз аслимга бориб ўламан.

* * *

Терс фелли кимсалар кимнинг зурёди,
Тағин ҳар бирининг бордир устоди!
Покдил эл «Ё ҳақ!» деб ружу қилганда
Буларнинг нимада бўларкан ёди?!

* * *

«Эҳ, бир шайтон урди!» дейсан ҳар сафар,
Ўзингга олмайсан айбни ҳеч маҳал.
Мундоқ қараб турсам, бутун вужудинг
Шайтонатга ўнглаб қурилган шаҳар.

* * *

Нега ҳар бир ғолиб киявермас тож,
Нега ҳар мағлуб ҳам қолмас беилож?!
Билдимким, осмоннинг эшиги битта,
Дардли муножатга очилар Меърож.

* * *

Бу замин халқимнинг тираги эрур,
Бу эрк миллатимнинг юраги эрур.
Бу байроқ, тикланган ғурурга инъом,
Зангори осмоннинг бўлаги эрур!

* * *

Мен босган қадамни ерим тушунди,
Ҳар бир нафасимни шеърим тушунди.
Тилимда гоҳи гул унди, гоҳ тикан,
Лекин ҳар сўзимни элим тушунди.

* * *

Кимнингдир бошида доим қора дуд,
Кимнинг бору йўғи на зарар, на суд.
Кимдир, туғилгандан нисбаси нурдир,
Ҳаёт шундай рангин ва шундай мавжуд.

* * *

Ул кўчгувчи қушлар на деб чекар зор,
Ҳатто шамолнинг ҳам туққан жойи бор
Минг йил бир гўшада яшару нисон,
Нега тил беқарор, имон беқарор?!

* * *

Бу дунё устма-уст бир дўкон чиқар,
Усти — зар, остидан устихон чиқар.
Бунда оппоқ жилдли китоб олсанг ҳам,
Ё ости, ёнки усти қон чиқар.

* * *

Қўлларда интикиб, илиб қолди жом,
Нотиқда чўзилиб кетдику калом.
Нодон, ибтидодан бошламоқ нечун,
Бошланиш ўзи йўқ, бўлмас ҳам тамом!

* * *

Неча йил ухлабман, жон-тан қотибди,
Қарасам тепамда тонглар отибди.
Сас келди: «Ер қаърин қоқ марказида
Бир қуёш қамалиб порлаб ётибди!»

4.

АРМОН

Доим шу иштибоҳ, доим шу ғина,
Хаёнинг олдида дунё кичкина.
Бир сазо кутибсан мендан жимгина,
Мен олдга бир қадам ўтақолмабман.

На элчим бор менинг, на таржимоним,
Тилсизлигим боис ортар армоним.

Хаёлдан бўлакка етмас фармоним,
Юрагимни вакил этақолмабман.

Бори эл ғарибир сўзларлар биздан,
Ёлғиз ўй сурсакда, келарлар издан.
Ҳечса, борлигимни гизлаб ёт кўздан,
Соянгни бир нафас тутақолмабман.

ОРАЛИҚ ФИКРЛАР

Барг — мезазой эрасида тошга ўйилган расм.

* * *

Ўзини жуда буюк ҳисоблайдиган одам, бу — ўн йил бурун айтилган гаплардан хабарсиз одам.

* * *

Бир пайт олис Шарқда тонгда уйғониб, ваҳимага тушдим: — Наҳот Ўзбекистонимда тонг отишига ҳали тўрт соат бор?!

* * *

— Анча жойларда ишладингиз-а?! — деб қолди кимдир.

Нимани назарда тутаётганини билмай ҳайрон бўлдим. Дорилфунундан сўнг йигирма тўрт йил узлуксиз ишлабман. Шундан ўн етти йили Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, олти йили «Ёшлик»да, учинчиси — ҳозирги иш жойим.

Агар бу одам шеърларимнинг ҳар жойда унча-мунча ўқувчилари борлигини назарда тутган бўлса, бахтлиман, жуда кўп меҳрли юракларда ярим штат ишлаб ёрдам берямман...

* * *

Истеъдод қуввати — тайёр материаллар устидан хулоса чиқаришда эмас, аксинча, биз билмаган қонуниятларга маънан таяниб хулоса чиқаришида.

* * *

Она юртдан узоқда олий бахт йўқлигини энг бадавлат ватандошларимиз ҳам айтиб беришди.

* * *

Итбалиқдан каттароқ чавақ лаққа нарироқда салобат тўкиб сузиб бораётган сариқ биққи сазанга қичқирди: — Эй, қилтириқ!

* * *

Балиқ нега кўп гапирмайди десам... тангаси кўп экан!

* * *

Бир кимса олдиндаги нуқул Амударёни гапирар эди, шўрлик дарё саёз тортди, шўрлади. Кейин бу одам Оролни кўп гапира бошлади—Орол адо бўлди. Яқинда бу «қутқарувчи»нинг оғзидан «Тинч океанни мундоқ қилиш керак, яшил сайёрамизни мундоқ...» деган гаплар эшитилиб қолди...

Алҳазар, ё мунинг оғзини ёпинглар, ё қиёмат қойимга тайёргарлик кўраверинг!

* * *

Китобни овоз чиқариб ўқиймайман. Лекин Алишер Навоийнинг «Муножот»и, бу — тушкунлар кўнглини кўтарувчи калом, гердайганларни совутувчи тавбадир. Бу буюк шоирнинг ўзбекча тиловат қилиш учун битган жажжи (шаккоклик бўлмасин!) «Қуръон»идир, оятларидир.

* * *

Манманликдан бошқа ҳамма нарсалар — билимдир.

* * *

Кўз — инсон деган тилсим қалъадан ташқарига очилган дарича. Ва, ичкарига ҳам! — Кўз — билимдон ҳакимлар учун инсон саломатлиги харитаси.

* * *

Ёшлик — тақдир. Бу даврда нимани танлаган, «юқтирган» бўлсанг, абадий шундан айрилолмайсан.

5.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

БОЛАЛАР УЙИДА СУННАТ ТЎЙИ

◆ Хўжайли шаҳридаги Ҳамза номидаги республика болалар уйида суннат тўйи бўлиб ўтди. 7 боланинг қўли ҳалолланди.

Тўйга Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва районларидан меҳмонлар таклиф қилинди. Бердаҳ номидаги Қорақалпоқ давлат филармонияси билан Хўжайли район маданият уйи халқ театри ижодий коллективи катта концерт кўрсатишди.

Меҳмонлар совғалар билан келдилар. Хўжайли шаҳри «Саратон» акционерлик жамияти 43 минг 800 сўм, «Ленин байроғи» жамоа хўжалиги 11 минг 800 сўм, «Хатеп» давлат хўжалиги 10 минг 200 сўм, «Дўстлик» универмаги 10 минг сўм, Тахиатош шаҳар ҳокимияти 10 минг сўм пул топширди. «Илҳом» кичик корхонаси вакиллари эса 10 минг сўмлик кийим-кечаклар совға этишди. Шу куни тўйга ҳаммаси бўлиб 300 минг сўмдан кўпроқ пул тушди. Бу пулларнинг ҳаммаси тарбияланаётган болаларнинг шароитларини янада яхшилашга сарф қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Ашурбеков тўйда болаларни табриклади. Тўйда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев иштирок этди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

«ТУҲФА» АНСАМБЛИ

◆Мана икки йил бўляпти ки, Бухородаги тарбиявий ишлар марказида машҳур созанда Туҳфа Пинҳатова номли болалар фольклор ансамбли фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ижодий репертуарини шакллантиришда Туҳфа опанинг ўзи мураббийлик қилаяпти. Миллий рақс либосларини тайёрлаш харажатларини эса вилоят болалар фонди ўз зиммасига олган.

БУХОРО—МАЛАТИЯ

◆ Туркия республикаси Малатия шаҳрининг волийси Мунир Эркал бошчилигидаги делегация Бухорога ташриф буюрди.

Бундан аввал Бухоро шаҳри ҳокими У. Носиров бошчилигидаги делегация Малатияга сафар қилган эди.

Бу сафарлар натижасида икки шаҳарнинг биродарлашуви шартномаси тузилди. Малатияликлар Бухорода янги мактаб, меҳмонхона, бир қатор озиқ-овқат ва тўқимачилик саноат корхоналарини барпо этишади.

Н. НАИМОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

• «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



ОДОБ ИЛА ИЛМГА ТАШНА.
Суратқаш Абдувоҳид ТУРАЕВ.

АНДИЖОНЛИКЛАР ҲАМ БЎШ КЕЛИШМАЙДИ

ФАРҒОНА вилоятининг Яйпан шаҳрида республика мусобақасини ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда Узбекистон шаҳар-қишлоқларидан тўпланган югурувчилар, ёшлар «Узбекистон овози» совғини учун курашда иштирок этадилар. Мусобақага Андижон вилояти терма жамоаси ҳам пухта тайёрланмоқда.

Андижонлик югурувчилар Аркадий Ёқубович бошчилигида мусобақага ҳозирлик кўришяпти. Вилоят терма жамоаси илгариги йиллар ҳам севимли газета совғини учун мусобақада мунтазам қатнашиб, мукофотли ўринларни эгаллар эди.

— Спорт усталаридан М. Жапакова билан А. Давидьянга катта умид боғлаяпмиз, — дейди Андижон спорт билим юртининг катта мураббийси Р. Бектемиров. — Боиси, Мунира билан Анжела тажрибали югурувчилардан саналади. Улар қисқа ва олис масофага югуриш ҳаддисини олишган.

Яйпан мусобақасида шунингдек, республика терма жамоасининг аъзоси, тажрибали югурувчи Ёрмуҳаммад Муллажонов ҳам иштирок этади. У ўтган йили республика мусобақасида учинчи ўринни эгаллаган эди. Андижон спорт билим юртида таълим олаётган яйпанлик С. Тойлоқов, фарғоналик С. Ўруновлар ҳам вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга рози бўлишди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

СИЗГА ОМАД ЖАНУБИЙ УРАЛДАН КЕЛАДИ...

МИНТАҚАМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА

МЫСЛЬ

"МЫСЛЬ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ҒИШТ ЗАВОДИ УЧУН УСКУНА СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ғишт заводи икки сменада ишлаб йилига 5 миллион дона (тупроқ бетондан хом ва пишиқ сопол) ғишт чиқишини таъминлайди



Завод икки ўқли аралаштиргич, гардишлар, қуритиш барабани, ўзакли аралаштиргич, револьвер босқондан иборат

«Мысль» акционерлик жамияти печь ускуналари етказувчи ва технология жараёнларининг мутахассислари билан шартнома муносабатларига эга.

Том черепицаси тайёрлаш учун линиялар, муаллақ босимда ва мажбуран ҳаракатга келтириладиган бетон қоришгичлар, шлакоблок чиқариш учун турли хил ускуналар: кўчма қўлда бошқарувчи ва ярим автомат қурилмалар, муқим босма-ярим автоматлар ишлаб чиқаради.

Ҳаракатдаги ускуналар павильони доимий ишлаб турибди, кўргазма — тижорат очилган. Созлаш-ишга тушириш, темирйўлда етказиб бериш ўз ҳисобимиздан. Биздаги нархлар энг арзон нархлар.

...МУДОФАА КОРХОНАЛАРИНИНГ КОНВЕРСИЯСИ, УРАЛЛИКЛАРНИНГ ЮКСАК МАҲОРАТЛАРИ ОМАД КЕЛТИРМОҚДА.

—БИЗ УНИ СИЗ БИЛАН БАҲАМ КЎРИШГА ТАЙЁРМИЗ.

454000. Челябинск, Цивиллинг кўчаси, 16, АО «Мысль».

Туну-кун ишлаб турадиган телефонлар: (3512) 33-36-93, 33-19-05, 33-65-06. Факс: (3512) 36-19-24.

Қўшимча маълумотлар учун: Москва, тел. (095) 975-15-41, Факс (095) 975-39-60.

Санкт-Петербург. тел. (812) 292-18-73.

• ЁДНОМА

ИБРАТЛИ УМР

Собиқ иттифоқ республикалари вакиллари иштирокида Москвада катта йиғин ўтказилаётган эди. Минбарга Узбекистон вакили кўтарилди. Ғовур-ғувур зал бир зумда тинчланиб, нотиқнинг сўзлари дона-дона эшитила бошлади:

— Республикамизда фақат пахтаю пилла етиштирувчи меҳнатчилар эмас, балки маданиятнинг турли соҳалари бўйича талантлар етарли. Лекин уларни илғаб олиб тарбиялашга эътибор суст. Масалан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қариб 5 минг киши ишлаётган бўлса, улардан 11 фоизгина олий маълумотли, холос. Қишлоқда эса ундан баттар: Фақат... икки нафар жисмоний тарбия ходими олий маълумот дипломига эга. Ваҳолонки, республика учун ҳозир тўрт ярим минг мутахассис зарур...

1958 йил кузида, ҳали сталинчилик қатағони дилларидан ўчмаган бир пайтда мамлакат пойтахтида туриб, битта ўзбек марказни танқид қилиши, дадил таклиф ва мулоҳазаларни ўртага қўйиши ҳазилакам гап эмас эди. Бунга журъат этган одам—Рустам Исмоилович Исмоиловнинг жасоратига ўшанда кўпчилик тан берган. У ҳозир ҳаёт бўлганда сақсон ёшга тўлган бўларди. Узбекистон давлат жисмоний тарбия илмгоҳи жамоаси, республика спорт жамоатчилиги устозимиз Рустам Исмоиловичнинг хотирасини ёдга олиб унинг ҳаёти, илмий-педагогик ҳамда ташкилотчилик фаолиятини миннатдорчилик билан эсламоқда.

Р. Исмоилов 16 ёшидан бошлаб ўзини меҳнатга урган. Аввалига худди отаси каби чорикорлик қилган. Кейинчалик пахта уруғчилиги станциясида дала ишчиси бўлиб ишлаган. Билимга чанқоқ Рустам Ўрта Осиё ипакчилик институтида ўқиди ва Сурхондарё вилоятида пиллачилик соҳасида ишлади. 1939—1941 йилларда Маориф халқ комиссарлигининг снёсий оқартув бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. Тошкент вилоят партия қўмитасида сектор мудири бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Рустам ака ўзининг Ватан ва халққа бўлган садоқатини яққол намойиш қилди. Ҳарбий билим юрти курсанти ва Воронеж алоқа ҳарбий билим юрти курсантлар ротасининг командири лавозимида жанг қилди. Кўксида қатор медаллар билан юртига қайтди. Бир муддат Узбекистон КП Марказий Комитетида Ҳарбий бўлим мудирига ўринбосар бўлди. Ундан кейинги бутун ҳаётини республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишлади. Юқори малакали спортчилар, айниқса маҳаллий миллат йигит ва қизларини тарбиялаш масалалари махсус илмгоҳ ташкил этишни тақозо қилар эди. Р. Исмоилов бу масалани республика ва иттифоқ раҳбарияти кўриб чиқиб ҳал этишига алоҳида ҳисса қўшди. Рустам ака узоқ йиллар жисмоний тарбия ва спорт комитети раиси лавозимида ишлади. Сўнгра ўзи ташкил қилган жисмоний тарбия илмгоҳига ректорлик қилди.

Айни шу даврда Р. И. Исмоилов ўзининг ҳақиқий ватанпарварлик фазилатларини кўрсатди. Маҳаллий ёшлар, айниқса хотин-қизлар ўртасида замонавий спорт турлари кенг тарғиб қилинди. Ана шу йилларда М. Назарова, З. Азимова, Н. Орипова, Г. Машарипова, Н. Сорғубоева ва бошқа кўплаб қизлар институтни муваффақиятли тамомлаб шу ерининг ўзида ўқитувчи бўлиб қолдилар. Институтимиз ўқув-моддий базасининг мустаҳкамланиши, кўплаб куллиётлар, кафедралар очилиши устозимизнинг хизматлари билан боғлиқ.

Узбекистон давлат жисмоний тарбия институти ташкил бўлганидан буён бу ерда 15 мингдан ортиқ мутахассис таълим олди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги жисмоний тарбия ҳаракатининг турли бўғинларида масъул лавозимларда ишламоқда. Илмгоҳимиз ҳозир мустақил Узбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун мутахассислар тайёрлашнинг асосий марказига айланган. Бу ерда спортга оид фанлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Зеро, мустақил мамлакатни соғлом кишилар тараққий эттирадилар. Саломатликни тиклашда, маълумки, спорт ўзига хос ўринга эгадир. Биз устозимиз юбилейини нишонлар эканмиз Истиқлол ўртага қўяётган вазифаларни бажаришга қодир авлодни камол топтиришга ҳиссамизни қўшаверамиз.

А. ҲАМРОҚУЛОВ.
Узбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ректори, профессор,

О. РИХСИЕВА,
Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, спорт тиббиёти кафедрасининг мудири, профессор,

О. РАСУЛОВ,
тренерлик факультетининг декани, доцент.

• Саломатлик масканларида

...АРМОН БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

Шаҳримизнинг Юнусобод райони 14-даҳасидаги тиш даволаш муассасасининг очилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа фурсат ичида бу маскан эл эътиборини қозонди. Заҳматкаш саломатлик посбонларига ишларида куч-ғайрат тилаймиз.

Қ. КАРИМОВА,
Тошкент шаҳри.

Бу мактубни ўқиб, Юнусобод районига қарашли тиббий стоматологик поликлиника ҳаёти билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Поликлиника райондаги II бирлашган болалар стоматологик поликлиникасининг катталар филиали бўлиб, эллик мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Ҳозирги кунда бу масканда юз кишига яқин малакали шифокорлар, жарроҳлар ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

— Даргоҳимизда даволаш, жарроҳлик бўлимлари мавжуд, — дейди поликлиника бош врачи Ниёз Солиев. — Туғма ёки нуқсонли жаг ва тишларни даволаш мақсадида яқинда жаг ва тишларни тўғрилаш, ўз ҳолига келтириш бўлимини ташкил этдик. Булардан ташқари, болаларни оғриқсиз даволаш учун ухлатиб қўйиб муолажа қилиш усулларидан ҳам фойдаланяпмиз. Жаҳон тиббиётининг алломаларидан бири бўлмиш Абу Бакр Розий бир йигит тиш оғриғига учраб, кўп азобланганда, устоз унга томирдан қон олдиришни, сирка билан оғиз чайишни ва эрталабдан анор суви ичишни тавсия этган экан. Шуниси муҳимки, ҳозирги кунда поликлиникада Ибн Сино ва табобат илмининг бошқа донишмандлари қўллаган муолажа турларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бизга бу ишда ҳомийимиз I Тошкент давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетидаги «Жаг ва бўйин» касалликлари олдини олиш кафедраси профессорлари Э. Маҳкамов, М. Азимовлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, улар биз билан бирга фаолият кўрсатмоқдалар. Талабалар ҳам амалий ва назарий билимларини шу ерда мустаҳкамламоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, поликлиника бошқа тиббий масканлардан оғиз ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни, милк ҳамда оғиз юмшоқ тўқималарини даволаш билан фарқ қилади. Қолаверса, бу ерда ҳозирги замон услубида даволаш усуллари жорий этилган. Асаб томирлари шамоллаган тишларни бир маротаба даволаб, беморлар кўнглини хотиржам қилиб, муолажа маромига етказилади. Польша, Чехословакия, Америкадан келтирилган —«Касод»га учраган тишлар учун мўлжалланган ганчдан тортиб кумушгача бўлган мосламалар мавжуд.

Албатта, ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам талайгина. Поликлиникани ҳозирги замон - асбоб-ускуналари билан таъминлаш борасида, зарур дори-дармонларни етарлича етказиб бериш борасида «Узмедтехника» ҳамда Тошкент шаҳар «Фармация» бош бошқармасининг ёрдами лозим. Бош врачнинг ниятлари катта. У тиш ва милк касалликларини даволовчи касалхоналар ташкил этишни орзу қилади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, район раҳбарлари ушбу масалалар билан шуғулланса, эзгу ниятлар армон бўлиб қолмаслигига кўмак берсалар кўнгилдаги иш бўларди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.



Суратда: бош врач Н. Солиев бўлажак шифокорлар билан суҳбатлашаётган пайт.
Муаллиф олган сурат.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ҲАМЗА НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
Бўлимлар бўйича илмий ходим лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Маданияташунослик: катта илмий ходим (0,5 штат ҳажмида).

Театр ва хореография: етакчи илмий ходим (I).

«Тасвирий санъат»: катта илмий ходим (I).

Шунингдек институт аспирантурасига қабул эълон қилади.

Қуйидаги мутахассислар бўйича:

Мусиқа (I), кино ва телевидение (I), театр (I), меъморлик (I), маданияташунослик (I), тасвирий санъат (I).

Танлов ва аспирантурага ҳужжатлар эълон босилиб чиққандан кейин 15 кун давомида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2.

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти

«УЗБЕКГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ «ПРОМТЕХГАЗ» МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИКАВИЙ ЖОРИЙ ЭТИШЛИК (ИТВК) КООПЕРАТИВИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилгоҳ:
Бобур кўчаси, 59-а уйда қабул қилинади.
Телефон; 54-92-13.

«ПРОМТЕХГАЗ» МТЖК си «САРБОН» УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

РОССИЯ — УЗБЕКИСТОН «ДАГ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
М-412 двигателларини, чуқурликда (40 метргача қадар) ишлайдиган «ИНЗЕР» насосларини Тошкент шаҳридаги омборда
ГУРУЧГА АЛМАШТИРАДИ ёки СОТАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: 78-96-71, 78-13-64.

«Гелиос» кичик корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри ва учбурчакли штампи БЕКОР ҚИЛИНАДИ

* * *

«Мағриб» фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«УЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
МУАССИСЛАР:
Узбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Узбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Р. АҲМАДАЛИЕВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00. Г—453. № 224. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12